

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Хақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2017 йил
4 октябрь
ЧОРШАНБА

№ 81 (13029)

www.thtp.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ БОШҚАРУВИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўлини ҳисобланиб, у ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда гоёта муҳим аҳамият касб этади.

Муастақиллик йилларида республикада таълим-тарбия тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари даражасига кўтарилди. Бироқ ўтказилган таҳлиллар мактабгача таълим соҳасида олиб борилаётган ишларнинг самараси ва натижаси етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда.

Жумладан, сўнгги 20 йил давомида давлат тасарруфидида мактабгача таълим муассасалари сони 45 фоиздан зиёдроқ камайган бўлиб, бугунги кунда республика бўйича болаларнинг мактабгача таълим билан камраб олиниши 30 фоизни ташкил этади. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базиси замонавий талабга жавоб бермайд.

Мактабгача таълим тизимида вариатив дастурлар жорий этилмаган, болаларни мактабга тайёрлаш бўйича муқобил, мослашувчан моделлар етарли даражада ривожланмаган ҳамда тараққий этган мамлакатлар сингари ижтимоий, шахсий, ҳиссий, нуқтий, математик, ҳисмоний ва ижодий ривожлантириш,

атроф муҳит билан танишувга йўналтирилган махсус давлат таълим дастурлари татбиқ қилинмаган.

Давлат мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг аксарияти ўрта махсус маълумотга эга бўлиб, бу болаларни мактаб таълимига талаб даражасида тайёрлаш имконини бермайди.

Бундан ташқари, мактабгача таълим сифати мониторингини юритиш тузилмавий ва ташкилий жиҳатдан назарда тутилмаганлиги сабабли мактабгача таълим муассасаларидаги таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини баҳолаш замон талабларига жавоб бермайди.

Хорижий давлатлар илғор тажрибасининг таҳлили замонавий мактабгача таълим муассасаларида мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш учун шароитларни яратишга йўналтирилганлиги билан тавсифланиб, боланинг ижобий ижтимоийлашуви имкониятларини намоён қилиш, унинг ҳар томонлама шахсга оид маънавий-ахлоқий ва онгли ривожланиши, мактабгача ёшга оид тегишли фаолият турлари асосида ташаббускорлиги ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга, мулоқот доирасида катта ёшдагилар ва тенгдошлар билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини очишга қаратилган.

Давоми 2-бетда. ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизимини бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5198-сонли Фармони ижросини таъминлаш ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг давлат ва нодавлат тармоқларини янада кенгайтириш, давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш шароитларини яратиш, давлат ва хусусий сектор шериклиги шартларида мактабгача таълим муассасаларининг янги шакллари жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:
Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг бошқарув ходимлари чекланган сони 47 нафардан иборат бўлган марказий аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ;
Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармаларининг намунавий тузилмалари 4-иловага мувофиқ;

Давоми 2-бетда. ➡

Халқимизда "Йўл азоби – гўр азоби", деган гап бор. Чиндан ҳам, узок сафарга чиқиш учун яхши ҳамроҳ ва сифатли транспорт хизмати бўлса, манзилнинг олислиги ҳам билинмайди. Аммо, аксинча бўлса-чи?

Қулайлик

Кеча эрта тонгдан Тошкент вокзали янада гавжум бўлди. Илк бора "Тошкент – Бекобод – Тошкент" йўналиши бўйлаб электропоездлар қатнови йўлга

қўйилди. Энди вилоятнинг энг узок ҳудудларидан бири ҳисобланган Бекобод шаҳри ҳам бир қадам.

Жорий йилнинг 16 август



ЭНДИ БЕКОБОД ҲАМ «БИР ҚАДАМ»

кунни давлатимиз раҳбари Бекобод шаҳрига ташрифи чоғида аҳолига яратилган шароитлар, янги лойиҳалар ва бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиб, халқимизга янада кўпроқ қулайлик яратиш бора-бора ўзининг тақдир ва тавсия-

ларини берган эди. Жумладан, "Тошкент – Бекобод – Тошкент" йўналиши бўйлаб замонавий электричкалар қатнови йўлга қўйиш лозимлигини қайд этганди.

Худди шу вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан соҳа ходимлари ўзларига билдирилган ишонччи оқлаб, қисқа фурсатда мазкур йўналишда электропоездлар қатновини йўлга қўйишди.

Замонавий электропоездлар шаҳар аҳолиси учун қўлаб қулайликларни тақдим этади. Поезд қатнов жадвали аҳолининг талаб ва истакларини ўрганган ҳолда тузилган бўлиб, ҳозирча кунига бир маротаба амалга оширилади.

Хусусан, тонги соат 6:35 да Бекобод вокзалидан йўлга чиққан поезд, соат 9:20 да Тошкент вокзалига етиб келади. Ҳаракат таркиби бир вақтининг ўзидда 350 нафар йўловчинини ташиш қувватига эга. Йўл

давомида поезд Ховос, Янги-Гулистон каби станцияларда тўхтаб ўтади. Масофанинг умумий узунлиги 183 км.ни ташкил этиб, поезд бу масофани 2 соат 45 дақиқада босиб ўтади.

Бекобод вокзали қайтадан бугунги кун талаблари даражасида реконструкция қилинди, дейди "Ўзтемирйўлйўловчи" АЖнинг "Тошкент йўловчиларни ташишни ташкил этиш филиали" бошлиғи Фазлиддин Бадриддинов. – Вокзалда 150 нафар йўловчиға мўлжалланган кутиш зали, она ва бола ҳамда тиббиёт хоналари мавжуд бўлиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Бу ерда йўловчиларға қулай ва юқори даражада сервис хизматлари кўрсатилмоқда.

6 та вагондан иборат электропоездлар кондиционер билан жиҳозланган бўлиб, улар иситиш ва совутиш тизими билан боғлиқ муаммолар юза-

га келмаслиғига ёрдам беради. Этиборлиси, замонавий электричкалар "Тошкент йўловчи вагонларини куриш ва таъмирлаш заводи" АЖда тубдан реконструкция қилинган.

Авваллари Тошкентга қатнашға қийналардим, дейди Бекобод шаҳрилик меҳнат фариши Абдурахмон Тошбобоев. – Тез-тез шаҳар айланиб, ўзимга керакли нарсаларни сотиб олиш учун пойтахтга боришимга тўғри келарди. Аммо, тўғриси, йўл узоклиғи сабаб кўп ҳам бора олмасдим. Поезд қатновининг йўлга қўйилгани мушкулчини осон қилди. Энди хоҳласам ҳар кун Тошкентга боришим мумкин.

Яқин кунларда мазкур замонавий электричкалар қатнови кунига икки маротаба йўлга қўйилиши режалаштирилган.

Фарҳод ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.



Азамат АХМЕДОВ олган сурат.

ТУРИЗМ: ИМКОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Миллий туристик маҳсулотни тарғиб қилиш маркази томонидан ташкил қилинган.

Бу йил тадбирда иштирок этувчилар қаторида Таиланд, Миср, Сингапур, Малайзия, Озарбайжон, Буюк Британия каби қатор давлатларни санаб ўтиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, Буюк Британия мазкур халқаро туризм кўргаз-

масида жорий йилда илк бор иштирок этмоқда. Тадбир мобайнида, ушбу давлат томонидан туристик салоҳиятининг кенг имкониятлари, шу жумладан, таълим олиш туризми намойиш этилади, шунингдек, ўзаро ҳамкорлик учрашувлари ташкил қилинади.

Кўргазманинг миллий павильонида вилоятимиз туризм салоҳиятини намойиш этувчи презентацион стенд жойлаштирилди. Биз вило-

ят ҳокимининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Сайфуддин Низомовнинг фикрлари билан қизиқдик.

– Шу ернинг ўзига "меҳмон уйи"ни қурдик, дейди у. – Келгусида вилоятимизнинг Бўстонлик, Паркент, Ангрен, Оҳангарон каби тоғли ҳудудларида мана шундай 162 та уй қурилиши белгиланган. Ҳозир келаётган хорижлик сайёҳлар 5 юлдузли ҳашаматли меҳмонхоналарга

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да "Ипак йўлида туризм" номли 23-Тошкент халқаро туризм кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Мазкур кўргазма туризм соҳасидаги энг йирик анжуман бўлиши билан бирга, нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё мамлакатлари учун муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Ҳар йили кўргазмада дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган туристик бизнес соҳасидаги таниқли мутахассислар жам бўлишади.

Халқаро
кўргазма

Дарҳақиқат, меҳмон уйлари оддийлиги билан фарқ қилади. Уни қуришда лойсувоқ, қамишдан фойдаланилган. Ортиқча безак йўқ. Санитария-гигиена қоидаларига амал қилинган, ювиниш хоналаридаги шароитлар юқори даражада. 3 хонадан иборат. Болалар хонаси ҳам бор.

Давоми 3-бетда. ➡

Қучли фуқаролик жамияти сари

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш муастақил институтининг вилоят ҳудудий бўлинимаси ҳамда Инсон ҳуқуқлари таъминланиши ҳолатини ўрганиш бўйича идоралараро ишчи гуруҳ томони-

дан "Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги" мавзусида семинар ташкил этилди.

ТАКЛИФЛАР АНИҚ, ТАВСИЯЛАР ЎРИНЛИ

Унда вилоят Адлия бошқармаси, вилоят прокуратураси, Ички ишлар бошқармаси, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий вакили, касаба уюшмалари, Адвокатлар палатаси, вилоятда фаолият юритаётган ННТ, ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад – инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосини шакллантирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги хабардорлик даражасини ошириш, фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлигини кучайтиришга оид тақлиф ва тавсиялар



ишлаб чиқишдан иборат.

Семинар давомида фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари, давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорлиги самарадорлигини янада кучайтиришнинг мавжуд ме-

рузалар тингланди.

Анжуманда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш борасида изчил фаолият олиб борилиб, бу борада 70 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар ратификация қилингани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ҳуррият МҲМИНОВА,
Мансур ХИММАТОВ
олган сурат.

ТАДБИРКОРНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

Мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, яратиб берилаётган имконият ва имтиёзлар жойларда тадбиркорлар сафининг кенгайишида муҳим омил бўлмоқда.

Ташаббус

Буни Тошкент туманидаги Чувалачи қишлоғида ишбилармонлар томонидан амалга оширилаётган сазй-ҳаракатлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Яқинда маҳаллий тадбиркор Фани Усмоновнинг ташаббуси билан "Ширин" маҳалласида ўзидан озик-овқат дўконини ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчасини бирлаштирган мўъжазгина янги мажмуа қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Эндиликда аҳоли бу ерда ўзи истаган маҳсулотларни харид қилиш билан бирга хизматлардан баҳраманд бўлмоқда. Энг муҳими, шунинг ҳисобидан тўрта янги иш ўрни яратилди. Тадбиркор яқин кунларда мажмуада ҳўжалик моллари дўконини очиниши ҳам режалаштирган.

Юлдузхон
ФАЗЛИДИНОВА.

Янгиликлар,
хабарлар,
таҳлилий-танқидий
мақолалар билан
газетамизнинг
интернетдаги
манзили –
www.thtp.uz
орқали ҳам
танишишингиз
мумкин.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИМАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ БОШҚАРУВИНИ ТУБДАН
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўлини бўлган мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, самарали давлат бошқаруви тизимини яратиш, мактабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларига болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадиди.

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ҳамда уларнинг туман (шаҳар)лардаги бўлимлари ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

биринчидан, мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

иккинчидан, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

учинчидан, республикада давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари орасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳисобига барча болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига босқичма-босқич қамраб олинишини таъминлаш, уларга солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш, бюджетдан субсидиялар ажратиш, шунингдек, болаларнинг мактабгача таълими ва тарбиясининг муқобил шакллари амалиётга татбиқ этиш;

тўртинчидан, замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим ва таълимнинг самарали шакллари ҳамда усулларини таълим-тарбия жараёнига, шу жумладан, нодавлат секторидида жорий этиш;

бешинчидан, миллий маданий-тарихий қадриятларни ақс эттирувчи ва болалардан китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материаллар, ўйин ва ўйинчоқлар, бадий адабиётлар билан мактабгача таълим муассасаларини таъминлаш;

олтинчидан, замонавий педагогик технологиялар ва методларни ҳисобга олган ҳолда болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир бўлган мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

еттинчидан, мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини яратиш ва тажрибали, юқори малакали ва касбий жиҳатдан пухта тайёрланган педагог кадрлар ҳамда тарбиячиларни таълим-тарбия жараёнига жалб қилиш;

саккинчидан, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг рационал ва белгиланган меъёrlар асосида соғлом ва тўғри овқатланишини таъминлаш учун муносиб шaroитлар яратиш, кўнгилочар ва билим берувчи машгулотлар элементлари бўлган, ҳажмлари ва интенсивлиги асосий тиббий тақдимономалар билан белгиланувчи серҳаракат ўйинлар ва машқлар уюштириш;

тўққизинчидан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш бўйича профилактика чора-тадбирларини мувофиқлаштириш.

3. Идоравий мансублигидан қатъи назар, барча давлат тасарруфидидаги мактабгача таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тизимига белгиланган тартибда ўтказилсин.

4. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим ва

Бошлонини 1-бетда.

зирлиги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг мактабгача таълим соҳасидаги барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази негизида Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти (кейинги ўринларда Институт деб юрилади) ташкил этилсин у Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги таркибига киритилсин ҳамда унинг зиммасига илғор хорижий тажриба асосида мактабгача таълим муассасаларининг раҳбар ва мутахассисларида замонавий менежмент ва педагогик технологиялар бўйича соҳага оид билимлар ва кўникмаларни шакллантириш вазифалари юклатилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сонли қарори билан тасдиқланган Мактабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш бўйича комиссия зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларга юклатилган вазифаларни амалга оширишда кўмаклашиш;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларининг раҳбарлик бўғинларини вазирлик зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга қодир, чуқур билим ҳамда юқори касб маҳоратига эга бўлган тажрибали ва малакали мутахассислар билан тўлдирши;

мактабгача таълим тизимининг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳудудлар бўйича ўрганиш ва таҳлил натижаларига кўра педагогика йўналишига ихтисослаштирилган олий таълим муассасаларига мақсадли қабул квоталари бўйича таклифлар тайёрлаш;

республика ҳудудларида 50, 70, 100, 120 ва 150 ўринга мўлжалланган давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасаларини қўшимча барпо этиш орқали болаларни мактабгача таълим билан босқичма-босқич тўлиқ қамраб олиш, болаларга мактабгача таълим-тарбия беришининг муқобил турларини амалиётга жорий этишга қаратилган комплекс дастурни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари лойиҳаларини киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Мактабгача таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ўшбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўшбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Н. Юнусходжаев ва халқ таълими вазири У. И. Иноятлов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 30 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: ўшбу қарорни амалга ошириш харажатлари учун 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг "Ижтимоий соҳа" учун назарда тутилган параметрлари доирасида маблағлар ажратсин, 2018 йилдан бошлаб эса ҳар йили зарур бюджет маблағлари ажратишни назарда тутсин;

ўшбу қарордан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2017 йил учун тасдиқланган харажатлари сметасига тегишли ўзгартиришлар киритсин;

Ўзбекистон Республикасининг ҳар йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрларини ишлаб чиқишда мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови миқдорларига тегишли ўзгаришлар киритиш юзасидан таклиф киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг марказий аппаратида 4 та, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларида 14 та энгил хизмат автотранспорт воситаларини сақлашга лимит ҳамда уларнинг хариди учун зарур бўлган маблағларни ажратсин;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари моддий-техника базасини шакллантириш учун зарур бўлган жиҳозлар ва ахборот-коммуникация технологияларини харид қилиш ҳамда уларнинг маъмурий биноларини таъмирлаш учун Мактабгача таълим вазирлигига маблағлар ажратилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятида зарур бўлган алоқа воситалари, шу жумладан, ҳўкумат алоқа воситаларини ўрнатишни таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг марказий аппарати Тошкент шаҳри, Мустиқиллик майдони, 5-ўйда жойлаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Хўсусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳўқимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ҳамда туманлар (шаҳарлар) мактабгача таълим бўлимларини бинолар ёки зарур бўлган хоналар билан таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги "Мактабгача таълим методикаси" журналин (кейинги ўринларда Журнал деб аталади) тасис этсин.

Мактабгача таълим тизимига жорий этилаётган илғор педагогик ва инновацион технологияларни, соҳада амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларини атрафлича еритиб бориш, соҳага доир қабул қилинган норматив-ҳўқуқий ҳўжатлар ва давлат дастурларини шарҳлаш ва тушунтириш журналнинг асосий вазифалари этиб белгилансин.

Журнал тахририяти фаолиятини молиялаштириш журнални сотишдан тушадиган маблағлар, ҳўмийлик маблағлари, қонун ҳўжатларида таққиланмаган бошқа маблағ ва манбалар ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги икки ой муддатда:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим муассасаларида қўлланилаётган овқатланиш меъёrlарини ривожланган мамлакатлар тахрибасини ҳисобга олган ҳўлда қайта кўриб чиқсин ҳамда 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб янгиланган овқатланиш меъёrlари ва республиканинг барча мактабгача таълим муассасаларида ўшбу қарор ижросининг тизимли мониторинги жорий этилишини таъминласин;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим муассасалари учун ўқув ва кўргазмалар қўроллар, уларнинг тарбияланувчилари учун ўргатувчи ва ривожлантирувчи китоблар тайёрланиши, шунингдек,

Бошлонини 1-бетда.

уларнинг нашр этилиши, доимий равишда молиялаштирилиши ва давлат мактабгача таълим муассасаларига етказиб берилишини назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда таълим миллий тилларда олиб бориладиган мактабгача таълим муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнида инглиз ва рус тилларини, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабгача таълим муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнида инглиз ва ўзбек тилларини ўрганишни жорий этиш юзасидан таклифлар тайёрласин;

"Ўзстандарт" агентлиги билан биргаликда мактабгача таълим муассасаларида фойдаланилаётган, биринчи навбатда болаларнинг интеллектуал ва ағлаш қўбилатларини ривожлантиришга қаратилган ўйин ва ўйинчоқларнинг давлат стандартларини ишлаб чиқсин;

"Ўзстандарт" агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва зарур шарт-шароитларни яратиш учун таълимга қўйиладиган давлат талаблари асосида ўйинлар, ўйинчоқлар, мебель, жиҳозлар ва бошқа техник воситалар билан мактабгача таълим муассасаларини жиҳозлаш меъёrlарини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Савдо-саноат палатаси билан биргаликда болалар ўйинлари ва ўйинчоқлари бўйича давлат бюрутмасини миллий ишлаб чиқарувчилар орасида тақсимлаш бўйича 2018-2023 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик ахборотлари тарқатилиши мажбурий бўлган ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим тизими ходимларининг ижтимоий муҳофазасини такомиллаштириш мақсадида икки ой муддатда мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тўғрисидаги низомни;

Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги бир ой муддатда:

Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари тўғрисидаги низомларни;

туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқласин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳўжатларига ўшбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Н. Юнусходжаев ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У. И. Иноятлов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 30 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ги Қарорига шарҳ

Узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми ҳисобланган мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, мактабдан ташқари таълим ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг такомиллаштириш бўйича мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Кузатишлар ҳулосасига кўра, Халқ таълими вазирлигининг давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликдаги фаолияти аксарият ҳолларда мактаб таълимининг ривожлантириш билан чекланиб қолмоқда.

Шу нуқтаи назардан бугунги кунда мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тубдан яхшилаш, мактабгача ёшдаги болалар қамровини ошириш, илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳўлда, ҳар жиҳатдан замонавий тизим яратиш масаласи долзарблигига қўлмоқда.

Болаларнинг қизиқиш ва интилишини ҳисобга олган ҳўлда, уларга мактабгача бўлган даврда ҳар томонлама пухта таълим-тарбия бериш, дунёқарабини кенгайтириш, мустақил фикрлаш қўбилатини ривожлантириш, қалби ва онгига миллий ва умуминсоний

қадриятларни сингдириб бориш орқали уларни она Ватанга муҳаббат руҳида камол топтириш масаласи давр талабидан ортда қолмаётгани сабабли мактабгача таълимнинг бошқарув тизими қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Фарзандларимизнинг мактабда қандай ўқиши, юксак мақсадлар билан камол топиши кўп жиҳатдан мактабгача таълим муассасасидаги тарбияга боғлиқ. Илмий кузатишлар ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон умри давомида оладиган барча ахборотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олиши айнан бола шахсининг ривожланишида мактабгача таълимнинг ўрни нечоғли муҳимлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 16 август куни ўтказилган йиғилишида берилган топшириқлар ижросини сўзсиз таъминлаш, мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, тизимнинг бошқарув тузилмасини ташкил этиш, мактабгача таълим муассасаларида 5-6 ёшли болаларни 100 фоиз қамраб олиш чораларини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" ги қарори қабул қилинди.

Мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилишдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида қарорда қуйидаги кенг қўламли тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган:

мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, мактабгача таълимни ҳар томонлама ривожлантириш, тарбияланувчиларнинг билими ва маънавий-ахлоқий даражасини янада юксалтириш;

"Таълим тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини мактабгача таълим қисми бўйича амалга оширишга доир қонун ҳўжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш; мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талабларига биноан, мактабгача таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда методик раҳбарлик қилиш; ўқув-тарбия жараёнига ўқитишнинг замонавий илғор шакллари-

ни, янги педагогик ва ахборот технологияларини, таълим-тарбиянинг самарали шакл ва усулларини жорий этиш;

мактабгача таълим муассасаларида ёш болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, инсонпарварлик ва юксак маънавият руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига мустақиллик, миллий ўзликини ағлаш ғояларини янада чуқур сингдириш, "оммавий маданият" кўринишидаги ёт ғояларга қарши иммунитетини мустаҳкамлашга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш;

мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш;

педагог ва раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш жараёнини самарали ташкил этиш, бунда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш, таълим муассасаларини юқори малакали, замонавий билимга эга кадрлар билан таъминлаш;

мазмун ва сифат жиҳатидан замонавий талабларга жавоб берадиган, илғор педагогик техноло-

гияларни қўллаган ҳўлда ўқув ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш ва нашр этилишини ташкил этиш;

мактабгача таълим муассасаларида давлат талаблари бажарилишининг тизимли мониторингини олиб бориш; халқаро алоқаларни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг таълим соҳасида эришган ютуқларини конференциялар, кўргазмалар ва бошқа тадбирлар орқали халқаро даражада кенг тарғиб қилиш, халқ таълими тизимига хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш;

нодавлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини ривожлантириш, улар ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш ҳамда таълим хизматлари турларини қўлайитириш.

Қарор билан белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида:

мактабгача таълим тизими ва уни ривожлантириш учун алоҳида эътибор қаратилиб, энг илғор хорижий тажрибалар асосида ҳар жиҳатдан замонавий тизим яратилди;

мактабгача таълим тизимини

ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш орқали мактабгача таълим ҳар томонлама ривожлантирилиб, тарбияланувчиларнинг билими ва маънавий-ахлоқий даражаси янада юксалтирилди;

ўқув-тарбия жараёнига ўқитишнинг замонавий илғор шакллари, янги педагогик ва ахборот технологиялари, таълим-тарбиянинг самарали шакл ва усуллари жорий этилади;

болаларни мактабга тайёрлашнинг муқобил шакли бўлган қисқа муддатли гуруҳлар тармоғи кенгайтирилди;

мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базаси яхшиланди;

нодавлат мактабгача таълим муассасалари тармоғи ривожлантирилиб, улар ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш орқали таълим хизматларининг турлари қўлайитрилди;

бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат бино ва иншоотлардан самарали фойдаланишга эришилди;

5-6 ёшли болаларни мактабгача таълимга 100 фоиз қамраб олиш имконияти яратилди.

Бўстонлик хунарамд Исомиддин Норматов ўзи ясаган пичок, сўзана, гиламларни олиб келибди. У хунарамдчилик билан 25

тарихий шахсларнинг пичокларидан намуналар олибди. Чирчилик Екатерина Журавлёва 2011 йилдан бери

– Виллоятимизнинг туризм салоҳияти катта, фақат уни кўрсата олиш ва бор имкониятларни ишга солиш керак, холос, – дей-

чилик буюмини ясаши, нон ёпиши, ситир соғиши мумкин бўлади. Чунки, айнан шулар уларни кўпроқ қизиқтирапти. Ўтган йили

гастрономик саёҳат уюштирилди. Очiq майдонда 10 дан ортиқ тематик мавзуларда турли таомлар намоиш этилиб, уларнинг ҳар бирида Ўзбекистон ҳудудларининг гастрономик маҳсулотларини таътиб кўриш имконияти яратилди. Фестиваль мобайнида давлатимизнинг машҳур ошпазлари томонидан турли маҳорат дарслари намоиш этилмоқда. Юқори Чирчиқ туманидан келган ошпаз Турдиали Ҳамдамов бугун янги рецепт асосида бедана димлама тайёрлапти.

Хушида ТУРСУНБОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Туризм: ИМКОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ

Йилдан бери шугулланмоқда. Гиламларнинг тури мингдан ортиқ бўлса, пичоклар 60, сўзаналар 100 хилга етади. У 40 дан зиёд кишини иш билан таъминлаган. Коллекциясидаги пичокларни ясада Амир Темур, Амир Олимхон каби

миллий кўғирчоқлар ясаб билан шугулланади. Унинг маҳсулотларига хорижликларнинг қизиқиши катта. Айниқса, чет элга тўй, тантана ва катта тадбирга отланганлар унинг кўғирчоқларидан совғага олиб кетишди. Самолётда олиб кетишга қулай, қадоқланиши ҳам чиройли.

ди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент ҳудуди бўйича валолатли вакили Муҳаммад-Юсуф Исмоилов. – Ҳозир пойтахт виллоятда туризмни ривожлантириш бўйича ишчи гуруҳ ишламоқда. Келатган сайёҳларимиз боғларга кириб, ўз қўли билан мева териши, хунарамд-

чиллик буюмини ясаши, нон ёпиши, ситир соғиши мумкин бўлади. Чунки, айнан шулар уларни кўпроқ қизиқтирапти. Ўтган йили

Эхтиром

Байрамлар ярашган юртимизда яна бир қутлуг айём – Ўқитувчи ва мураббийлар кунини нишонлади. Мамлакатимиз раҳбарининг соҳа вакилларига йўллаган байрам табриғидаги эзгу тилаклари ҳар дилга ёруклик олиб кирди.

ҲАР СЎЗИ ИЛМУ ҲИКМАТ

Бу кунни виллоятимиз шаҳар, туманларида ҳам шоду хуррамлик билан кутиб олишди. Хусусан, Ангрен шаҳрида ҳам "эзгуликдан сабоқ берган, юксак инсоний фазилатлар тисмоли бўлган азиз ва мўътабар зотлар" улуғланди. "Нур" қошо-насида улар шарафига катта байрам дастури ташкил этилди. Халқимиз севган санъаткорларнинг чиқишлари, фахрий ёрлик, диплом ва эсдалик совғалари ўқитувчи-мураббийларга бекиёс шодлик, қувонч бағишлади.

– Ангренликлар фарзандларимиз камоли учун умрини бахшида этган фидойи ўқитувчилар билан ҳақли равишда фахрланади, – дейди шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими раҳбари Шерзод Мирзакаримов. – Бу йил республикадаги энг яхши фан ўқитувчилари қаторига 8-умумтаълим мактабининг математика фани ўқитувчиси Нигора Умарова, 33-умумтаълим мактабининг инглиз тили ўқитувчиси Юлия Си-

соева қўшилди. Малоҳат Юнусова, Зулхумор Тошматова, Любовь Бахтёрова, Марина Бозорова, Мунира Усмонова, Элмира Бердиева "Халқ таълими алоҳисига", деган шарафли унвонга сазовор бўлишди.

Улар орасида 25-умумтаълим мактаби кутубоначиси Хайринисо Пардаеванинг 52 йиллик ўзига хос, бетақдор фаолияти алоҳида бир мавзу...

– Мактаб остонасига илк бор қадам қўйганимдан, китоб – офтобга меҳрим тушган, – дейди Хайринисо опа. – Мен умрини шу ақл чироқларига, уларни севиб ўқийдиган китобхонларга бағишладим. Хатто, тушларимда ҳам китоблар билан суҳбатлашаман. Айниқса, Президентимизнинг китобхонлик, китоб маҳсулотларини чоп этишга қаратаётган катта эътибори мени янада руҳлантирди, кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўлди.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Азамат АХМЕДОВ
олган сурат.



«Меҳрибонлик уйи»нинг меҳрибонлари

Бўка туманидаги 15-сонли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳар гал аjoyиб байрам – 1 октябрь тоғини ўзгача ҳаяжон билан қарши оладилар. Негаки, устоз ва мураббийларнинг меҳру муҳаббатини бошқалардан кўра теярроқ ҳис қиладилар, улар...

Эзгулик

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Болалар дунёдаги энг меҳрибон, энг қадри инсонларини байрам билан қутлашга шошилдилар. Энг муҳими, табриклар ҳам совғалар ҳам – ҳаммаси дилдан, самимий. Кимдир бирорва билдириб-билдирмай чизган сурати, кимдир ёзган саккиз қатор шеъри, кимдир "навбатдаги спорт мусобақасида, албатта, голиб бўлишга" берган ваъда-си билан ўз меҳрибонларига дил изҳорини билдирди.

Туман марказидаги маросимлар уйида касб байрамларини шоду хуррамлик билан нишонлаган муассаса жамоаси болаларнинг ўқишда, санъатда, спортда эришган муваффақиятларини худди ўз боласининг ютуғидан қувонган каби тўлқинланиб гапирдилар. Муассаса ҳаёти-

даги ижобий ўзгаришлар, жонга хўсса қўшаётган бунқура мураббийлар, давлатимизнинг доимий эътибор ва ғамхўрлиги мамнуният билан тилга олинди.

Хусусан, муассаса раҳбари Ғавҳар Пулатованинг маълум қилишича, бундан сал аввалроқ, таъмирдан чиқарилган Меҳрибонлик уйининг спорт мажмуаси яқинда давлатимиз томонидан энг замонавий спорт инвентарлари, маҳсус жиҳозлар билан таъминланди.

Дарвоқе, байрам арафасида муассаса Россиядан хушхабар келди. Мазкур мамлакатда санъат йўналишида ўтётган халқаро анжуманга жўнаб кетган тарбияланувчиларнинг иштироки ва илк натижалари аъло даражада экан.

Назаримизда, бу ҳали бошлангани...
Нодирбек ТОҲИРОВ.

ҲОРМАНГ, АЗАМАТЛАР!



Саховатли кузнинг аини илиқ-иссиқ кунларида лоақал бир лаҳза ризку рўзимиз бунёдкорлари бўлган бободоҳқонлар ҳузурида бўлиб, уфққа туташ далаларга ёндош шийпонларда "дала чойи"нинг мазасини тотиб кўрмаган одам, олтин фаслининг ҳақиқий гашту сафосидан бебаҳра экан, ҳали...

Рағбат

Бугун виллоятимизнинг Бекободу Бўкасида, Оққўрғону Чинозига, Ўрта Чирчиқу Пискентига йўлингиз тушса, "оқ олтин"дан хирмон уяётган азамат деҳқонлару дала меҳнаткашларига, уларга камарбаста бўлаётган ҳайбараклачи замондошларимизнинг азму шижоатига гувоҳ бўласиз.

Бир неча йилдирки, мамлакатимизнинг етакчи ижтимоий-сиёсий нашрлари – "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририяти ходимла-

ридан иборат ижодий гуруҳлар ҳам аини шундай кезларда пахтакорлар ҳузурида бўлиб, ўз муштарийлари билан юзма-юз учрашмоқда.

Бу гал ҳам виллоятнинг пахта етиштирувчи 8 туманидаги 20 га яқин фермер хўжаликлари далаларида ташкил этилган учрашувлар ҳаяжонли ва завқли лаҳзаларга бой бўлди. Айниқса, шижоатли ёшларимиздан иборат терим отрядлари ҳузурида, бевосита

дала бошидаги гуруҳлар кўпчиликнинг ёдида қолди. – Газета ижодкорлари учун одамлар даврасида бўлиш, оддий га-зетхон билан юзма-юз келиб, уларнинг орзу-истаклари, таклиф ва мулоҳазалари билан танишиш жуда фойдали, – дейди "Народное слово" газетаси

СУРАТЛАРДА: Ўрта Чирчиқ ва Бўка тумани терим отрядлари илгорларига таҳририят совғалари топширилмоқда.

Нодирбек ТОҲИРОВ олган суратлар.

Таълим ва ислохот

Мамлакатимизда навқирон авлодининг бадий-эстетик таълим-тарбиясини такомиллаштириш, ёшларга ўз иқтидори ва ижодий салоҳиятини намоён этиши учун ҳар томонлама кўмаклашиш борасида изчил ишлар олиб боришмоқда.

Буни Янгийўл шаҳридаги 22-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Айни пайтда ушбу билим масканида 380 нафар ўқувчи фортепьяно, ўзбек халқ чолғулари, академик ва эстрада хонандалиги, торли ва зарб-ли чолғу асбоблари, хореография, тасвирий ва театр санъати сингари йўналишлар бўйича малакали ўқитувчи ва мураббийлардан таълим олмақда.

– Шунинг мамнуният билан айтиш керакки, мамлакатимизда мусиқа санъатини ривожлантириш, замонавий таълим муассасалари, маданият масканларини барпо этиш, ёш истеъодларни аниқлаш, уларга юқори билим бериш ва қўллаб-қувват-

лашга катта эътибор қаратилмоқда, – дейди мактаб директори Зухра Ҳасанбоева. – Хусусан, Давлат дастури асосида капитал таъмирланган мактабимиз бугун энг замонавий ўқув воситалари, барча йўналишдаги мусиқа асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Бу ўқувчиларимизнинг нафақат пухта билим олишлари, балки республика ва халқаро танловларда юқори натижаларни қўлга киритишларида муҳим омил бўлмоқда.

Дарҳақиқат, мактаб ўқувчиларининг халқаро танловларда эришган муваффақиятлари алоҳида таҳсинга сазовор. Масалан, 2015 йилда Москва шаҳрида бир қатор хорижий давлатларнинг ёш мусиқачилари иштирокида

САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ



бўлиб ўтган "Grand Moscow Festival" халқаро танловда юртимиз номидан иштирок этган мусиқа ва санъат билим юрти тарбияланувчилари Санжар Нормухамедов ва Шаҳбоз Эргашев миллий чолғу асбоблари йўналишида ўз истеъодларини намоиш этиб, танловнинг энг фузали ҳайати томонидан юқори ўринга муносиб кў-

рилди. Мактабнинг яна бир ўқувчиси Анара Полякова эса фортепьяно ижроси бўйича фахрли учинчи ўринни қўлга киритди.

Мактаб жамоаси шаҳар, виллоят ва республика миқёсидаги турли кўрик-танлов, концертларда ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Бу ҳақда гап борар экан, ўқувчи-ёшлар ўртасида ўтказиб келинаёт-

ган "Ягонасан, муқаддас Ватан!", "Истиклол ғунчалари" сингари кўрик-танлов ва болалар ижодиёти фестивалларининг бир неча бор совинларини қўлга киритган Шаҳина Мухамедова, Комила Комилхўжаева, Абдор Умаралиев, Кристина Петросян сингари истеъод соҳибларининг номларини келтириб ўтиш ўринли.

Мактаб раҳбари таъкидлаганидек, буларнинг барчаси мамлакатимизда ёшлар камолоти, маънавиятини юксалтириш, уларни ҳеч қандам кам бўлмаган инсонлар этиб вояга етказиш йўлида олиб борилаётган ишлар ва кўрсатилаётган эътиборнинг амалий самараларидир.

Юлдузхон МУҲИДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТДА: Билим юрти ҳаётидан лавҳа.

Ҳ. УБАЙДУЛЛАЕВ
олган сурат.

"TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очик аукцион савдосига ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 июндаги "Базавий тармоқлар корхоналари акцияларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 443-сонли қарори, ҳамда "Ўзтрансгаз" АКнинг 2017 йил 4 июлдаги 385-сонли буйруғига асосан, "UZTRANS-GAZ" YORDAMCHI XO'JALIKLAR FAOLIYATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA MONITORINGI BOSHQARMASI balansidagi Toshkent viloyati, Qibray tumani, Enariq QOY, "Madaniyat Agrobiznes" agrofirmasi hududidagi jami 37,5 Ga, shundan 22,0 Ga, er maydonida joylashgan olma: M-106 4 eshli 3979 tup, Besh iolduz 2 eshli 1100 tup, Golden dush 2 eshli 900 tup, Jonokh 2 eshli 1000 tup, Kremson 2 eshli 700 tup, Razmarin 2 eshli 500 tup, Semerenko 2 eshli 1500 tup; olxuri: Super 2 eshli 600 tup, Super leto 2 eshli 3700 tup, olxuri oddiy 4 eshli 77 tup; shaftoli 4 eshli

62 tup; ʻyrik 4 eshli 12 tup; nok 4 eshli 696 tup kʻchatlaridan iborat "Boʻgʻor" va "Boʻgʻor"ni parvarish qili sh bilan bogʻliq bʻlgʻan vositalar: Elektrosnabzhenie dlya oroshenie intensivnogo sada, Burenie skvazhiny, Provod ABBG 3x120+1x70 (OJ)-1, Provod PUNP 2x2,5, Nasos K 150-125-250 A dvigatelʼ15 KBT 1500 ob.min., Nasos K 150-125-315 A dvigatelʼ 22 KBT 1500 ob.min., Truby p/ed = 160x7,7 dlya vody, Transformatornaya podstantsiya tipa KТПС 100/10/04, Kondensatornaya ustanovka naruzh.Ispol. Ukrm-0,4-60 kВар-Н в (трансформатор), СМР Устройства ограждение теретория сади блгоустройства (4м ячейки 100, 150мм), Ворота (5000*1750мм), Ворота 6000=1750мм), Калитка (1500*1750мм) ва Вагондан iborat mulkiy majmua ochik aukcion savdosiga qʻyilmoqda. Bo shlan gich ba hosi - 750 435 000 sum.

Очиқ аукцион савдоси 2017 йил 3

ноябрь куни соат 11.00 да Республика биржа маркази биносида бўлиб ўтади. Мазкур мол-мулклар сотилмай қолган тақдирда, тақририй аукцион савдоси 2017 йилнинг 20 ноябрь, 27 ноябрь ва 4 декабрь, 11 декабрь, 18 декабрь, 25 декабрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар "Закалат пули тўғрисидаги қелишув" ни имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖнинг "Ипак йўли" АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги ҳисоб рақами: 20208000804876496001, МФО 01101, ИНН 301743808 га тўлашлари лозим.

Аукцион савдоси қолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шарт-

номасида белгиланади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома; – жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар 04.10.2017 йилдан бошлаб расмий иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй, Биржа Маркази биноси 1-кават, 16-хонада қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади. Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru, 147-40-00, (+99890) 968-86-74 телефон рақамлари орқали олишнинг мумкин.

Хизматлар лицензияланган
RR – № 0008.

ТАРБИЯ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Фарзандим жамиятда ўз ўрнини топсин, деган ҳар бир ота-она, албатта, унинг тарбияси билан қизиқади ва бу жуда нозик масалага масъулият билан ёндашади. Баъзан эса, аксинча, ота-оналарнинг ўзлари оилада фарзанд тарбиясида эътиборсизликка йўл қўйиб, нохуш ҳолатларни юзага келишига сабаб бўлишади.

Маънавият

...Оилада эркин ўсган Нурия билан Сиддиқжон кўпинча назоратсиз қолишди. Ота-оналар уларнинг қоринни тўқ, устини бут қилишни ўз бурчлари, деб билдилар, холос. Ўғил-қизларининг юриш-туриши, ўқиши, кимлар билан дўсту-дўгона бўлиб, нима-лар ҳақида мулоқотда бўлишлари билан қизиқиб ҳам кўрмадилар. Натижада, "ўзларига хон, ўзларига бек" бўлиб ўсган опа-ука ҳаёт йўлларида адашиб, интернет тармоқларидаги "ўргимчак тўри"га илиниб,

одам савдоси билан шуғуллана бошладилар. Аввалги Нурия Туркияга бориб ишлаб келаман, деб, бир неча йиллаб уйдан олис-ларда юрди, мўмайгина пулларни жўнатиб турди. Ота-она эса унинг ишлари-ни суриштирмади. Сиддиқжон опасининг берган топшириқларини айтганидай қилиб бажариб юрди. Лекин, "шаҳар бедарвоза эмас". Йиллар ўтиб, опа-уканинг кирдикорлари фож бўлди. Улар одам савдоси билан шуғуллангани исботланиб, узоқ муддат-

га қамалдилар. Онанинг энди туққан кўзёшлари бе-кор, отанинг эса афсус-надоматлари беҳуда эди. ...Ўриной ҳам яхши қиз тарбияладим, деб юрган эди. Қаерда адашди, ўзи ҳам билмайди. Нигина касб-хунар коллежиди ўқиб юрган кезларида тарбияси бузилди. Турли баҳона-лар ўйлаб топиб, енгил ҳаёт кўчасига кириб қол-ганини ўзи ҳам билмай қолди. У ота-онанинг ло-қайдлиги ва масъулиятсиз-лиги туфайли ёшлигини хазон қилди, энди эса осто-нада совчи пойлайди...

...Лобар эса, мана, неча йилдирки, икки фарзанди билан ота уйида яшамок-да. У икки фарзандли бўл-гунча ота-онани ҳам, қайнона-қайноласини ҳам қийнаб юборди. Оилада яхши тарбия олмаганиги

маънавий ҳаётимизни юк-салтиришимиз, аҳоли, ав-вало, ёшларимизни турли зарарли таъсирлардан ас-рашимиз даркор.

Ҳақиқатан ҳам, айниқса, фарзанд тарбиясида наму-на бўлишимиз керак. Оилада болаларни ёшлигидан китоб ўқишга қизиқти-риш, касб-хунар эгаллашга йўналтириш, энг муҳими, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ота-онанинг вазифаси, бурчи. Фарзанд тарбиясида йўл қўйилган масъулиятсизлик оқибати ота-оналарнинг лоқайдли-ги, масъулиятсизлиги нати-жасидир. Демак, аввал, ўзимиз маънавиятга, ҳар томонлама баркамол инсон бўлайликки, бу чиройли фазилатларимиз ўғил-қиз-ларимизга ҳам намуна бўлсин.

Анора ЖУМАДУЛЛО ҚИЗ.

Чоршанба – ёнгинлар профилактикаси куни

101 ХИЗМАТИ
ХАВАР ҚИЛАДИ

Вилоятимиз ҳудудидида 25 сентябрдан 1 октябрга қадар содир бўлган ёнгинлардан 19 таси аҳоли уйларида тўғри келди. Ёнгин сабаблари ўрганил-ганда, 13 таси электр симла-рининг қисқа туташуви, 4 таси болалар шўхлиги, 7 таси олов-дан эҳтиётсизлик билан фой-даланиш оқибатида содир бўлган аниқланди.

Ҳафтанинг ҳар чоршанбаси "Ёнгинлар профилактикаси куни", деб белгилангани муносабати билан, эндиликда соҳа ходимлари томонидан аҳоли ва ташкилотлар ўртасида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш тўғриси-да учрашув ва тушунтириш ишла-ри янада кенг қўламада ўтказилмоқ-да.

Ҳурматли фуқаролар! Ёнгин хавфсизлиги қоидалари-га риоя қилинг. Зеро, хотиржам-лигимиз ўз қўлимизда эканлигини унутмайлик.

Тошкент вилояти
ИББ ЁХБ.

ЖИЛОВЛАНМАГАН
ОФАТ

Об-ҳаво ҳароратининг пасе-йиши билан одамлар уйини исити-тиш чораларини кўра бошлай-ди. Айнан мана шу палла ёнгин-дан сақлаш хизмати ходимла-рида кўпроқ хавотир уйғотади. Чунки, айнан шу мавсумда ёнгинлар сони кўпаяди. Таҳлил-ларга назар ташласак, йил да-вомида содир бўладиган умум-ий ёнгинларнинг 80 фоизга яқини фуқаролар яшаш уйлари-га тўғри келади ва буларнинг асосий қисми айнан иситиш мавсумида рўй беради.

Давлат ёнгин назорати ходим-лари фуқаролар уйларида, давлат муассасалари, маъмурий бино-ларда ёнгинларнинг олдини олиш мақсадида маҳаллий газ идора-лари, электр тармоқлари хизма-ти ва бошқа тегишли идоралар вакиллари билан ҳамкорликда мунтазам равишда рейдлар ўтқа-зиб, аниқланган камчиликларни имкон қадар тезкорлик билан бартараф этиш чораларини кўрмоқдалар.

Маълумки иситиш мавсумида ёнгинлар асосан носоз ва қўб-ола электр иситиш асбобларидан фойдаланиш, иситиш асбоблари-ни узоқ муддатга қаровсиз қол-дириш, газ босимининг беқарор-лиги, печлар яқинида ёнғичи ма-териалларнинг сақланиши, бола-ларни назоратсиз қолдириш, ош-хонада газ комфоркаларининг барчасини ёқиб қўйиш ва уларнинг устида кийим қуритиш оқибатида келиб чиқади.

Юқорида санаб ўтган ҳолатлар-нинг олдини олмастик, деярли барча вазиятларда ёнгин келиб чиқишига олиб келиди.

Қобил АШИРОВ,
Бунёд ТУРҒУНБОВ,
Занғота тумани ЁХБ
инспекторлари.

Бу йил баҳор ҳар йилгидан эрта келди. Бодом билан баро-бар ўрик гуллади, кейин бошқа дарахтлар ҳам гунчалади. Бироқ, ҳар йили гўлгон гулга кирди-ган нок дарахти қилт этмай ту-раверди. Бундан Гўзалнинг кўнгли негадир хира торти-ди.

Чунки, бог ўртасида қад кўтарган бу дарахт экилганда, Гўзал ҳали бошланғич синфда ўқирди. Бир куни синф раҳбари, кўкаламзор-лаштириш оилиги бошланди, ҳар бирин-гиз икки тупдан мева-ли дарахт олиб ке-линг, деди. Гўзал тўс-тўполон билан боғла-ридаги олма дарахти-ни дадасига кўчирти-риб, мактабга олиб кетди. Эртасига қара-са, ўша бўшаган ўрин-га Собир амакиси ал-лақандай ниҳол ўтқаза-япти.

– Амаки, бу ҳам ол-мами? – сўради Гўзал бақувватгина кўчатни танасидан ушлаб.

– И-и, ол қўлинг-ни, танаси оғрийди, – деди амаки шовиб. Гўзал чўчиб қўлини тортиб олди. – Йўқ, пучу-м, бу олма эмас. Бу кўлоби нок. Уни узокдан, отамнинг бо-ғидан олиб келдим. Жудаям ширин, сервус мева беради.

– Қачон мева беради, бу йил гуллайдими? – Йўқ, бу йил гулламайди. Ле-кин, кейинги йил гулласа керак. Чунки, у ҳозир беш ёки олти ёшда. Аслида нок етти йилда ҳосилга қиради. Ҳа, майли би-рикки йил бир пасда ўтиб кетади. Кейин иккаламиз челақ-челақ нок терамиз. Ўртоқларингга ҳам олиб борасан. Бунақа нок фақат биз-нинг Кўлобда ўсади. Бу мендан сизларга совға. Насиб қилса, ўттиз-қирқ йил ҳосилини терамиз, қизим, – деди амакиси.

Собир ака асли тожикистон-лик бўлиб, Гўзалнинг дадаси билан ака-ука тутинган. Гўзалнинг дадаси савдо ходими бўлгани учун томорқага қарашга вақти бўлмасди. Шу боис, уларнинг боғига, томорқасига ҳам Собир

амаки қарарди. У боғдаги ҳар бир дарахт билан гаплашар, уларга қачон, қандай парвариш зарурилигини жуда яхши билар-ди. Кузда дарахтларни бутайт-ганда: "Қаранг, мен сизни ор-тиқча юклардан халос қилаялман. Керакли ўғитни ҳам солдим. Киш

Хаёт манзаралари

НОКНИНГ
НОЛАСИ

бўйи тингчина ухлаб, кучга ки-ринг, келгуси йил шундай мўл ҳосил беринг-ки, биз уни териб улгурмай қолайлик. Шунда мен сизлардан рози бўламан", дер-ди.

Баҳорда яна ҳар бир дарахт-ни ёнига келиб, силаб-сийпалар-ди. Гўзалнинг дадаси: "Собир-вой дарахтларни ҳам тилини топ-ган, ҳар бир ниҳолни боласидай парваришлаб эркалайди", дер-ди. Собир ака нок кўчатини ўзи кавлаган чуқурга чиройли қилиб ўтқагач, тагига тупроққа қўшиб гўнг ҳам ташлади. Челақчадаги сувдан куйди. "Бўлди, кетдик қизим. Энди у янги уйи билан ўзи келишиб, томир отаверсин. Халақит бермайлик", деб Гўзал-ни боғдан олиб чиқди. Буни қарангки, келгуси йилиёқ, нок нишона берди. Собир ака улар-дан иккитасини қишлоқнинг энг кекса отахони Фахриддин бобо-га олиб борди.

Орадан йиллар ўтди. Нок ул-кан дарахтга айланди. Мевалари

шундай йирик, сервус ва мўл бўлардики, ҳосилидан бутун ма-ҳалла баҳраманд эди. Кейин Со-бир амаки ўз юртига қўчиб кет-ди. Гўзалнинг дадаси оламдан ўтди. Лекин, нок бирор йил ҳам ҳосилдан тўхтамади. Ҳар йили нок пишиғида оиладагилар бир

карга Собир амакисини эслашарди. Аммо, бу йил... Нега бундай бўлди экан-а... Гўзал ҳаёлига келган фикр-дан чўчиб кетди, "Худо асрасин", деб қўйди. Шу ҳаёл билан нонуштада ҳам чи-ройи очилмади.

– Ҳа, онаси, нега хомушсан, келинлар хафа қилдимиз? – сўради эри хайрон бўлиб.

– Онаминг ҳовли-сига чиққандим. Бо-даги дарахтлар роса гулга кирибди. Би-роқ, анави кўлоби нок кўртқат ҳам тугмабди. Шохини синдириб кўрсан, қуриб-қақшаб қолбди. Таваба қил-дим, кузда ҳам бип-бинойи турганди.

Шунга кўнглим хижил...

– Қизиксан-а онаси, ўттиз йилдан буён ҳосилини едик-ку. Нима ҳаққинг қолди. Дарахт бўлгандан кейин қурийд-да. Одам олиб кетаяпти-ку, сен да-рахт дейсан, – хотинини қойиб берди Нуриддин ака.

– Нокнинг қуришида бир сир бор. Аслида мен нокдан эмас, Собир амакидан хавотирдаман. Жон дадаси, одамлар уммон ошиб бошқа юртларга бориб келаяпти-ку, Кўлобга бориб ке-лиш унча қийинмасдир, – ялин-ди Гўзал.

Нуриддин ака икки-уч кун ин-дамай юрди-ю, жума куни эрта-лаб:

– Онаси, биз ўғлинг ва укам билан Тожикистонга бориб ке-ламиз, – деб қолди.

Улар бир ҳафтада қайтишди. Лекин эри келтирган хабар Гўзални хурсанд қилмади. Собир амаки эрта баҳорда оламдан ўтган экан...

Муҳаббат ҲАМИДОВА.

Спорт
хабарлари

ОЛМАЛИҚ ГАНДБОЛЧИЛАРИ ГОЛИБ



Халқаро миқёсдаги ушбу нуфузли мусобақада мамлакатимиз шарафини "Олмалик кон-металлургия комбинати" ва "Uzbekcha" жамоалари ҳимоя қилди. Шунингдек, Қозоғистон-нинг "ILE" ва "Almaty",

Эроннинг "Larestan" ҳамда Ҳиндистоннинг "India" жа-моаси гандболчилари ҳам голиблик учун беллашди. Осиё чемпионлар лига-сининг гуруҳ босқичида ўйинлар бир даврли ти-зимда ўтказилди. Бирин-

чи турда олмалиқлик ганд-болчи қизлар "ILE" клуби билан 36:36 ҳисобида ду-ранг ўйнади. Вилотимиз спортчилари қолган учра-шувларда "India" ни 45:27, "Uzbekcha" ни 44:27, "Almaty" ни 23:22 ва "Larestan" ни 30:20 ҳисоби-да мағлубиятга учратди. Шу тариқа, тўртта га-лаба ва битта дуранг қайд этган "Олмалик кон-металлургия комбинати" жамоаси турнирни би-ринчи ўринда яқунлади. Қолган совринли ўрин-лар Қозоғистоннинг "ILE" ва "Almaty" клубларига насиб этди.

Зохир ТОШХҲАЕВ,
"Тошкент Ҳақиқати"
мухбири.

ВАТАНПАРВАР
МЕРГАНЛАР

Ўзбекистон мудофаа-сига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташки-лоти томонидан тех-ник ва амалий спорт турлари бўйича ўтқа-зилган мусобақаларда вилотимиз спортчи-лари юқори натижа-ларни қайд этди.

Мотор ҳажми 125 ва 500 куб. сантиметргача бўлган мотоцикллар пой-гасида Тошкент вилоти жамоаси навоийлик ва бухоролик спортчиларни ортда қолдириб, умумжа-моа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди. Жамоамизнинг умумий галабасига мотопойга-ларда голиб ва соврин-дор бўлган Денис Перцев, Шавкат Сулаймонов, Андрей Сазонов муносиб ҳисса қўшди.

Мусобақа доирасида ўтказилган мерганлар баҳси ҳам кўпчилиқнинг қизиқишини ўзига тор-тиди. Тўппончадан ўқ отиш бўйича қизлар ўртасида-ги беллашуларда Бону Тиллабердиева учинчи ўринни эгаллаган бўлса, ўсмирлар ўртасида Абду-рахмон Анорбоев кумуш медалга лойиқ топилди.

Пневматик милтиқдан нишонни аниқ уриш бо-расида Зайнаб Парда-боева асосий рақиблари – сурхондарёлик Наталья Сластена ва хоразмлик Олима Комиловани ортда қолдириб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Вилотимиз мерганла-ри умумжамоа ҳисобида ҳам зафар қучишди.

Ўз мухбиримиз.

Қуйи Чирчиқ туманида спортнинг армрестлинг тури бўйича Ўзбекистон ку-боги учун бўлиб ўтган мусобақаларда ви-лоят терма жамоаси таркибиде иштирок этиб, голиблар сафидан жой олган туман-нинг икки нафар вакили – Хумора Раҳ-монкулова ва Ирода Қодирова Венгрияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритган эди.

ОФАРИН СИЗГА,
ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ!

Куни кеча туман бўйлаб яна бир хушхабар тар-қалди. Дунёнинг 61 давлатидан энг сара спортчи-лар иштирок этган армрестлинг бўйича жаҳон че-пионатида муваффақиятли қатнашган Ирода Қоди-рова 1-ўринни, Хумора Раҳмонкулова эса 2-ўрин-ни эгаллаб, Ватанимизга олтин ва кумуш медал-лар билан қайтишди.

Икки йилдан буён тажрибали мураббий Файрат Исломулов раҳбарлиги остида спортнинг арм-рестлинг тури билан шуғулланаётган бу икки ду-гона кетма-кет икки бор Ўзбекистон чемпионли-гини қўлга киритган, 2016 йилда эса Осиё че-пиони, деган номга сазовор бўлган эди. Мана энди жаҳон миқёсдаги галабага эришилди.

Голиблар Тошкент халқаро аэропортида арм-рестлинг федерацияси, вилот ва туман ҳокими-лиги вакиллари ҳамда жамоатчилик томонидан қу-тиб олинди. Чемпион қизларимизнинг ҳаяжонли сўзларини эшитиш мароқли.

– Кувончимнинг чеки йўқ, – дейди жаҳон че-пиони Ирода Қодирова. – Дунёнинг кўзга кўрин-ган давлатларидан келган кучли спортчилар ора-сида галаба қозонишимга очиги, аввалига ишона-манам эдим. Аммо, инсонда ирода устуллик қилса, ўз-ўзига ишонч бўлса, албатта, голиб чиқар экан. Венгрия пойтахтида давлатимиз мадҳияси баралла-янграб, Ватанимиз байроғи энг баландга кўтарил-ганида кувончдан кўзимга ёш келди. Бу галабани мен бутун Ўзбекистон ёшларининг ютуғи, деб би-лагам ва мана шундай гўзал юрт фарзанди экан-лигимдан фахрланаман!

– Ўша пайтдаги ҳаяжонимни таърифлаб бера олмайман – дейди жаҳон чемпионатининг кумуш медалга соҳибаси Хумора Раҳмонкулова. – Шу онда мен мана шундай саховатли заминда туғилиб ўс-ганимдан, бағрикенг, олижаноб халқ фарзанди экан-лигимдан яна бир бор фахрландим. Ишонаманки, бу галаба бизни янада юксак марралар сари ун-дайди.

Биз ҳам жаҳон ареналарида Ватанимиз байро-ғини баланд кўтарадиган бундай ёшлар сафининг янада кенгайиб боришини тилаб қоламиз.

Холмид ЭГАМБЕРДИЕВА.



Дунёнинг етти мўъжизасидан бири – Миср-даги Хеопс эҳром қандай қурилгани неча асрлардан буён одамларни қизиқтириб ке-лаётгани бор гап. Бу саволга тадқиқотчи олимлар ҳам жавоб тополмаётган.

Эҳромларнинг сири очилди

147 метрлик Катта эҳром ўрта асрларгача дунёнинг энг баланд иншоотларидан бири бўлиб келган. Кўпчилик эҳромларнинг асосини таш-кил қилган улкан тошлар қаер-дан ва қандай келтирилгани-дан ҳайратланган.

Узоқ давом этган тадқиқот-лар катта тош блокларни эҳром жойлашган Гиза во-дидисига 13 км. узоқликдаги Турдан қандай етказилгани-нинг сирини очди.

Олимларнинг фикрича, оғирлиги 2,5 тонна келадиган 170 мингта оҳақтош мах-

сус қазилган каналлар орқа-ли ёғоч қайиқларда ташкал-ган. Улар Катта эҳром ости-да ташкил этилган махсус ҳудудда жамланган.

Бул маълумотлар милоддан аввалги 2600-йилдаг Хуфу фиравнининг дафн қайиғи-га қўйилган қадимий папирус қоғозида ёзилган экан. Унда блокларни ташиш учун Нил-дан каналлар қазилган, ул-кан тўғонлар қурилгани ха-қида батафсил баён этилган.

Бунгача археологлар катта масофаларни ҳисобга олган ҳолда блокларни ташиш бо-

расида бир фикрга кела олмаётгандилар. Гиза ясси тоғи остида сув каналлари изларини топган Марк Лехнер бу баҳсга яқиний нуктани қўйди.

"Биз умумий кўринишда сув ҳавзаси ва эҳром остига олиб келган каналлар тармоғини чизиб чиқдик", деб айтган эди тадқиқотчи Марк Лехнер.

Мутахассислар жамоаси ташилган қадимий қайиқлар-ни ҳам тиклашган. Аниқлани-шича, улар ёғочларни бир-бирига зич қилиб, арқон билан боғлаб ясалган.

Хитойнинг UVS Intelligence System компанияси дунёдаги илк учувчисиз гидросамолёт яратди.

Учувчисиз сузувчи самолётлар



Шанхайдаги мазкур ко-мпания бу турдаги самолёт-лардан океанлардаги оро-ларга махсуслотларни етқа-зиш, алоқа қилиш ва сувос-ти кемаларини топишда фой-даланишни режалаштирмоқ-да.

"U650" русумли бу самолёт Испаниянинг "Colyae Freedom S100" ўта енгил са-молёти негизда қурилган. Бунинг учун UVS Intelligence System компанияси самолёт-

нинг интеллектуал мулк ҳуқуқларини сотиб олди. Уг-лерод толадан ясалган гид-росамолётнинг узунлиги 5,85 метрни ташкил қилади, У 180 км/соат тезлик билан парвоз қилишга қодир ва қўнмаи учиб узоқлиги 2000 километр-ни ташкил қилади.

Дрон қисқа тупроқли учуш-қўниш йўлакчалари ва сувда учиб-қўна олади. Самолёт 250 килограммгача юк кўта-ради.

Компания раҳбари Лю Цзи-андун гидросамолёт оммавий тарзда ишлаб чиқарила бош-ланганини маълум қилди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ОБ-ХАВО
МАЪЛУМОТИ

Республика Гидро-метеоролог-ия маркази-нинг ха-бар беришича, 4 октябрь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб ёмғир ёғади, кун-дузи ёнғингарчилик бўлмайди. Фарбдан се-кундига 7-12 метр тез-ликда шамол эсади. Ке-часи 8-10, кундузи 13-15 даража илқ бўлади.

Тошкент вилотида ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб ёмғир ёғади, кундузи ёнғингарчилик бўлмайди. Фарбдан се-кундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-10, кундузи 10-15 даража илқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилоти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи

Файрат

ШЕРАЛИЕВ

Манзилы: 100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчи-лар
қўчаси, 32.

Электрон почта:
thaqiqat@gmail.uz

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шарғнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

233-58-85 (факс)
233-70-10
233-79-96
233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
233-81-21, 233-65-59
233-54-10

Тошкент вилоти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент Ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва сақланган.

Навбатчи муҳаррир
Зохир ТОШХҲАЕВ
Назоратчи мусаввиҳ
Қумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУДЖАЕВ